

Олим ЖЎРАЕВ

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими
olim1504@mail.ru

БУРХОНУДДИН ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ БУРХАНУДДИНА ТЕРМИЗИ

LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE OF BURHANUDDIN TIRMIZI

Аннотация: Бугунги кунда Бурҳонуддин Термизийнинг ҳаёти ва унинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ва ҳар томонламага ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Бу орқали ҳар бир киши ўз илмий-маърифий ва тарбиявий камолотида йўлида муҳим ибрат ва дастурларни топиши мумкин. Мақолада Саййид Бурҳонуддун Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, устози ва шогирдлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Термиз, Коня, Қайсари, тасаввуф, маъориф, қўлғезма, форс тили, турк тили, Бурҳонуддун Термизий, Саййид, Муҳаққиқ, Жалолиддин Румий.

Аннотация: Сегодня глубокое и всестороннее изучение жизни Бурхануддина Термизи, его богатого научного и духовного наследия имеет большое научное и практическое значение. Благодаря этому каждый может найти важные примеры и программы на пути своей научной и образовательной зрелости. В статье представлена ценная информация о жизни и научной деятельности Сайида Бурханиддина Термизи, его учителя и учеников.

Ключевые слова: Термез, Конья, Кайсери, мистицизм, образование, рукопись, персидский, турецкий, Бурхануддун Термизи, Сайид, Муҳаққиқ, Джалалиддин Руми.

Annotation: Today, a deep and comprehensive study of the life of Burhanuddin Termizi and his rich scientific and spiritual heritage is of great scientific and practical importance. Through this, everyone can find important examples and programs on the path of their scientific and educational maturity. The article provides valuable information about the life and scientific activity of Sayyid Burhanuddin Termizi, his teacher and students.

Keywords: Tirmiz, Konya, Kayseri, mysticism, education, manuscript, Persian, Turkish, Burhaniddin Termizi, Sayyid, Muhaqiq, Jalaliddin Rumi

КИРИШ

Термиз шаҳри қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у ерда кўплаб машҳур алломаларни илмий фаолият юритган илм ва маданият марказларидан бири десак муболаға бўлмайди. X-XII асрларда Термизда илмий, ижодий муҳитни ташкил қилган бир нечта алломалар, жумладан, Саййид Бурҳонуддун Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий каби бир нечта таниқли олимларни санашимиз мумкин.

Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий, Термизда 561/1165 йилда туғилган [1:97-98;2:522;12:16;13:123;14:56]. “Хусайний” саййидларидан бири бўлган [2:522;5:48]. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзади: “Хусайний саййиддур ва Тирмиздин эрди ва Шайх Баҳоуддин Валад қуддусу сиррухунинг асҳоби ва муридларидиндур...” [3:359].

Насл-насаби Муҳаммад алайҳиссалом наслидан келганлиги ва невараси Ҳусайн розияллоху анҳуга бориб етгани учун Саййид [13:123], ҳақиқатни излаб тадқиқ қилганлиги учун “Муҳаққиқ” [7:56], ҳол соҳиби бўлганлиги учун “Саййиди сирдон” [17; 13:123] лақаблари берилган. Термизда туғилиб, таҳсил олганлиги учун эса Термизий нисбасини олган.

Бурҳонуддун Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Отасининг исми Ҳасан Ҳусайний, бобосининг исми эса Қосим Ҳусайний бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бурҳонуддун Термизий илм ва маданият марказларидан бирида дунёга келади. Дастлабки таълимини отасидан олади. Ундан сўнг Термизнинг машҳур олимлари билан илм таҳсилни давом эттиради. У ёшлигидан бошлаб илм-фанга қизиқа бошлайди. Илмга кучли муҳаббати туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, тасаввуф илмини чуқур эгаллайди.

Бурҳонуддун Термизий машҳур тасаввуф олими бўлиб, тасаввуф илмига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Бурҳонуддун Термизий нафақат тасаввуф илмини, балки тафсир, ҳадис, ва ақийда каби соҳаларни ҳам мукамал ўрганган.

У киши зоҳирӣ (ташқи) ва ботинӣ (ичқи) илмларни пухта эгаллаган жуда ҳам гўзал ахлоқ соҳиби бўлиб, ўз замоналарида тақво ва илмда тенги йўқ шахс эдилар.

Бурҳонуддун Термизий яшаган даврда Термиз илм ва маданиятнинг марказларидан бири бўлган. Бу даврда илм ва маърифат гуллаб-яшнаган ва турли фанлар соҳасида олимлар етишиб чиққан. Шунингдек, бу асрда Қуръон тафсири, фикҳ (ислом қонуншунослиги) ва тасаввуф илми ҳам ривожланиб Макка, Мадина, Куфа, Басра, Дамашқ, Бағдод, Марв, Термиз, Самарқанд, Кеш, Насаф, Бухоро, Хоразм ўлкаларидан буюк олимлар етишиб чиққан.

Саййид Бурҳонуддун ҳаёти давомида нафс тарбиясига аҳамият берган. Унинг таъкидлашича, инсоннинг комилликка етишишнинг ягона шарты нафснинг хоҳиш-истакларига қарши туришдир.

Саййид Бурҳонуддун оз еб, оз ухлар, оз гапирар, баъзан арпа ундан нон еб кун кечирарди. У зот кечаю кундуз Қуръон ўқир ва ибодат билан машғул бўлар эдилар. Ҳаёти нафс тарбияси ва рўза тутиш билан ўтган ва айтганларини амалиётда қўллаб, атрофдагиларига ўрнак-намуна бўлган.

Бурҳонуддун Термизий қирқ ёшигача туғилган шаҳри Термизда илм таҳсилани олиди. Бу ерда керакли билимларни олиб бўлгач, бошқа таълим марказларига боришни ўз олдига мақсад қилди. Илм ўрганишда Термиз аҳлидан бўлган ва у ерга ташриф буюрган уламолар билан чекланиб қолмасдан, балки ўз давридаги одатига биноан илм олиш мақсадида бошқа юртларга ҳам узоқ сафарларга чиқади.

Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий тасаввуфий етуклик йўлида Мавлоно Жалолиддин Румий (ваф.672/1273)нинг отаси Баҳоуддин Валад (ваф.628/1231)дан дарс олиш учун отасидан изн олиб 605/1208-йил Балхга кетади [5:34; 14:56]. Баҳоуддин Валад, XII-XIII асрнинг машҳур олимларидан бири бўлган Шайх Нажмиддин Кубронинг (ваф.618/1221)нинг шогирди бўлиб [2:520], Балхда “Султонул уламо” деган ном билан танилган [1:34-35; 4:126]. Шундай қилиб Баҳоуддин Валаднинг хузурида илм ва тарбия ўргана бошлайди. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий, Баҳоуддин Валадни шогирдига айлангандан кейин, риёзат йўлига кириб, икки кунда бир марта арпа уни еб, йиллар мобайнида сахро,

тоғларда юриб маънавий етукликка эришади [4:146].

Баҳоуддин Валаднинг насл-насаби амирул мўъминин Абу Бақр розияллоху анҳуга бориб тақалади. Баҳоуддин Валад Балхда “Султонул уламо”, яъни “Уламолар султони” деган ном билан танилган.

Муҳаққиқ Термизийнинг кўп шогирдлари бўлиб, улар ичида танилиб, машҳур бўлганлари: Мавлона Жалолиддин Румий (ваф. 672/1273), Салоҳиддин Зарқуб [3:365,359] (ваф. 657/1258), Султон Валад (ваф. 712/1312), Соҳиб Шамсиддин-Исфакхоний (ваф. 646/1249).

Бурҳонуддун Термизий Балхда устози Баҳоуддин Валаддан 40 кун давомида дарс олиб ўзининг она шаҳри Термизга қайтади. Термизда тахминан бир йил юриб, яна Балхга қайтиб боради ва у ерда икки уч йил қолади [14:56]. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий бу вақт давомида бутун илмларни ўрганиб, маънавий юксак даражага эришади. Устозининг истаги билан Мавлоно Жалолиддин Румийга устозлик қилиб [14:56;16:118;4:152-153], унинг ҳар бир таълим-тарбияси билан машғул бўлади. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий 12 йил давомида устози Баҳоуддин Валаднинг хизматида бўлиб, у кишидан илм ва ирфон ўрганади ва бу вақт давомида зоҳир ва ботин илмлардан дарс олади. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий, устозидан ижозат олиб риёзатга чекинади.

Устози Баҳоуддин Валад 1219 йили баъзи сиёсий воқеалар ва мўғул истилоси сабабли Балхдан оиласи билан кўчиб кетишга мажбур бўлади. Бу воқеадан кейин Саййид Бурҳонуддун Термизий устози Баҳоуддин Валаднинг Балхдан Коняга кетганидан сўнгра, 616/1219-йили ўзининг юрти Термизга қайтиб келади [5:50;14:56]. Термизда устози Баҳоуддин Валаднинг вакили бўлиб, ўрганган илмларини бошқаларга ҳам ўргата бошлайди ва 8 йил давомида кўплаб талабаларга устозлик қилади.

Устози 18-робиуъл охир 628/1231-йили Коняда вафот этганида, Саййид Бурҳонуддун Термизий Термизда эди. Устозининг вафотини эшитиб: “афсус, афсус, шайхим бу тупроқ оламидан тоза (мангу) оламга кўчди”, дейди [4:142].

Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзади: “Ул кунки Шайх Баҳоуддин Валад оламдин ўтти, Саид Термизда ўлтуруб эрди. Дедик, шайхим

ва устодим хазратлари дунёдин ўтдилар. Неча кундин сўнгра Мавлоно Жалолиддин тарбияти учун Коняга мутаважжих бўлди” [3:359].

Шарқшунос олим Радий Фиш бу ҳақда шундай ёзади: “Султонул уламо вафотини Термизда эшитиб, Қуръон ўқиб, марҳумнинг руҳига бағишлабди [11:154].

Бу вақтда Жалолиддин Румий 24 ёшда эди. Уни отаси ўрнига мударрис қилиб тайинлайдилар ва отасининг вакили сифатида бир йил давомида ваъз-насихат ва фатво масалалари билан шуғулланади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валаднинг (ваф. 712/1312) ёзишига кўра, Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий, Термиз улуғларидан бирининг Баҳоуддин Валаднинг Коняда вафот этганини билдирганлиги сабабли, Онадўлига кетишга қарор қилган [15:245].

Шайхининг вафотидан сўнгра, бироз муддат ўтади. Саййид Бурҳонуддун Термизий бир кеча тушида марҳум устози Баҳоуддин Валаднинг унга хафа бўлиб қараганини ва кичкиналигидан тарбиясига олган Мавлонони ёлғиз қолдирганлиги учун гина қилганлигини кўрди [16:118;4:152]. Бу кўрган тушини огоҳлантириш деб билиб, 629/1232 йилда Коняга келади [5:48,60].

Саййид Бурҳонуддун Термизий Коняга келганида бир неча ой Санжари Масжидида қолади [4:39;10:194]. Бу райтда Мавлоно Жалолиддин Румий, Ларенда (Караман)да эди. Саййид Бурҳонуддун, икки шогирдига бир мактуб бериб юбориб, уни Коняга чақиради [4:40]. Мавлоно Жалолиддин бу таклифдан севиниб, отасининг тарбиялаган комил инсон Саййид Бурҳонуддуннинг ёнига Коняга келади [4:43].

Мавлоно Жалолиддин, Саййид Бурҳонуддуннинг зиёратига биринчи марта борганида, турли илмлардан имтиҳон қилинади. У вақтда ўттиз ёшлар атрофида бўлган Мавлоно, сўралган саволларнинг ҳаммасига тўғри ва мукамал жавоб берганида, унинг бу ҳолидан вазиятидан таъсирланган Саййид Бурҳонуддун, ундан хурсанд бўлади.

Саййид Бурҳонуддун Термизий унга ҳол илмидан хабардор бўлганлиги, унинг ҳам отаси каби ҳол илмини ўрганиши кераклигини айтади [16:118;4:144]. Мавлононинг ўғли Султон

Валад отасининг Саййид Бурҳонуддунга бўлган ихлосмандлигини шундай ёзади:

Унга кўнгилдан мурид бўлди-да, бош кўйиб ҳузурига ўлик каби тушди,

Унинг олдида ўлгунча, у ҳам уни тирик қилди, ёшларини артиб севинтирди [15:196].

Мавлоно Жалолиддин тўққиз йил давомида дарс олади [4:144;5:52;9:219;16:118;]. Бу вақт ичида Саййид Бурҳонуддун Термизий унга устози “Султонул улома” Баҳоуддин Валаднинг “Маъориф” номли асарини кўп марта ўқитади [16:118]. Бундан мақсад, устози Баҳоуддин Валаднинг маънавий ҳолатини, унинг ўғли Мавлоно Жалолиддинга ҳам ўргатиш бўлади.

Саййид Бурҳонуддун, бу тўққиз йилнинг еттинчи йилида, илмини янада ошириш мақсадида Мавлонони Шом ва Халабга жўнатади. Саййид Бурҳонуддун Термизий бу вақт давомида Қайсарда яшайди [5:52].

Саййид Бурҳонуддун Термизий бир неча бор Коняга бориб, у ерда узоқ вақт қолишига қарамасдан Қайсарига бориб яшашни афзал кўради.

Бурҳонуддун Термизийдан: “Нима учун Қайсарига боришни хоҳлайсиз?” деб сўралганда у киши: “Қайсарининг тупроғи ва тоғлари Термиз шаҳрига жудаям ўхшайди. Халқини ҳам у ернинг халқига ўхшаб, одамларни ва илмни яхши кўрадиган халқ деб билдим. Шунинг учун мен Қайсарига бораман”, деган экан. Қайсариди Саййид Бурҳонуддунга Қайсари вазири Соҳиб Шамсуддин ҳомийлик қилади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг Дамашқ ва Халабдаги таълим олиш вақтида, Саййид Бурҳониддин Қайсаридидаги Хунат мадрасасида дарс беради. Йиллар ўтиб Мавлоно Қайсарига устозининг ёнига қайтиб келади. Саййид Бурҳониддин Мавлонога ботиний илмлардан дарс беради. Саййид Бурҳониддин Мавлонога: “Ақлий, нақлий, касбий илмларда тенги йўқ бир инсон бўлдинг... Бу ҳолатингда маънавий сирларни билиш, ҳақиқат аҳлининг сийратларини очиш, яширин сирларни кашф қилиш каби фазилатларга эга бўлдинг... Аллоҳга ҳамд бўлсинки, заиф ва кучсиз бўлган устозинг сенинг бу ҳолатингни кўрди... Бориб инсонларнинг руҳини тоза бир ҳаётга, ҳисобсиз бир раҳматга фарқ эт” деб айтади. Мавлоно Жалолиддин Румий устози билан

бирга Қайсаридан Кўняга келиши билан ўз фаолиятини ҳам бошлаб юборади.

Саййид Бурҳонуддун, Мавлонога тариқат одоблари, усуллари ва қоидаларини ўргатади. Натижада, маънавий етукликни тамомлаган Мавлонога устози Саййид Бурҳонуддун, пир-муршидлик устозлик вазифасини ўз зиммасига олиш учун ижозат беради. Саййид Бурҳониддин бир муддат Кўняда қолиб, шогирдининг таълим ва раҳбарлик фаолиятини кўрганидан сўнг кўнгли таскин топади.

Саййид Бурҳонуддун, Мавлонога тариқат одоблари, усуллари ва қоидаларини ўргатади [4:162;5:60]. Натижада, маънавий етукликни тамомлаган Мавлонога устози Саййид Бурҳонуддун, устозлик вазифасини ўз зиммасига олиш учун ижозат беради.

Дарс давомида Аттот ва шу каби олимларнинг ҳикоятларидан ҳам ўқиб, шогирдини мулоҳаза юритишга чақиради. Мавлоно 9 йил давомида унинг ёрдамида тасаввуф мақомотларини босиб ўтиб, турли соҳалардаги билимини чуқурлаштиради. Бу 9 йиллик давр ичида Саййид Бурҳонуддун Мавлононинг отасидан нима олган бўлса, ҳаммасини устозининг ўғлига ўргатади. Шундай қилиб, зоҳирий илмларни мукамал эгаллаган Мавлоно маънавий ва ботиний илмларда ҳам катта ютуқларга эришади.

Саййид Бурҳонуддун Термизий, Жалолиддин Румийга таълим-тарбия бериш вазифасини ўз ниҳоясига етказгач, Қайсари шахрига бориб, ўша ерда яшаш ниятлари борлигини Жалолиддинга айтади. Жалолиддин Румий у кишига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли аввал розилик бермайди. Лекин Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг бу борадаги қатъиятини кўриб, ноилож у кишига ижозат беришга мажбур бўлади ва: “Аллоҳга ҳамд бўлсин сенинг ишинг тамом бўлди. Инсонлар сендан нур ва насиб (илм) олади. Кетишимнинг сабаби шу: шиддатли ва қувватли бир арслон бу ўлкага (Коняга) келмоқда. У ҳам арслон, мен ҳам арслон, иккимиз бир-биримиз билан келиша олмаимиз қолишимиз мумкин” дейди. Ҳақиқатан, Саййид Бурҳонуддун Термизийнинг Қайсарга кетишидан қисқа вақтдан кейин Шамсиддин Табризий (ваф.645/1248) Коняга келади [4:145;5:75;16:129].

Саййид Бурҳониддин шогирди Мавлоно билан хайрлашганида етмиш беш ёшда эди. Бу раитда эса шогирди Мавлоно эса ўша вақтда комил бир инсонга айланган эди. Саййид Бурҳонуддун Термизий ўзи ёшлик вақтидан тарбия қилиб, улғайганида муршидлик даражасига етказган, муборак устозининг ўғли бўлмиш Мавлоно билан хайрлашиб, 638/1241йил Қайсар шахрига қилиб жойлашади.

Қайсари халқи Саййид Бурҳонуддунни катта хурсандчилик билан кутиб олади. Саййид Бурҳонуддун Термизий Ҳунат мадрасасида мударрислик қилиб, Ҳақирдакли масжидида имомлик вазифасини бажаради.

Саййид Бурҳонуддун Термизий Қайсаридан ўз фаолияти ва маънавий файзи туфайли тез орада халқ орасида машҳур бўлди.

Саййид Бурҳонуддун Термизий Қайсаридан ўзининг фаоллиги билан халқ орасида ном таркатди. Шу сабабли ҳам Вазир (Онадўли Салжукий давлати вазири) Шамсиддин Исфохоний Соҳиб (ваф.646/1249)нинг муридлари орасида жой олганлиги манбаларда ўрганамиз [4:145].

Саййид Бурҳонуддун Термизий Қайсаридан ўз фаолияти ва маънавий файзи туфайли тез орада халқ орасида машҳур бўлди. Шу сабабли ҳам манбаларда Онадўли Салжукий давлати вазири Шамсуддин Исфохоний Соҳиб у зотнинг шогирдлари орасидан жой олганлиги келтирилади.

Саййид Бурҳонуддун Термизийнинг вафоти хабари Мавлоно Жалолиддин Румийга етгач, у киши дарҳол шогирдлари билан бирга йўлга чиқиб, Қайсари шахрига етиб келади. Устозининг қабри бошида Қуръони каримни хатм қилиб, муборак руҳига бағишлайди. Саййиди Сирдон Бурҳонуддун Термизийдан қолган китоб ва маълумотларнинг ҳаммаси Мавлоно Жалолиддин Румийга топширилади. Бир нақлга кўра, бу китоблар бир неча туяга юк бўлган.

Румий устози Саййид Бурҳонуддун ҳақида “Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ сўзлаганда, биттаси келди ва: “Фалончидан сенинг мадҳингни эшитдим” деди. У: “Қўрайликчи, ул зот қандай одам экан? Мени таниб мақтай оладиган аҳволдамикан? Мени агар сўзларимдан таниган бўлса, танимаган демасдир. Чунки бу сас, бу оғиз, бу лаб...

ўткинчи. Буларнинг ҳаммаси белгилардир. Ишларим орқали таниган бўлса, яна шундайдир. Аммо зотимни (моҳиятимни англаган) таниган бўлса, у ҳолда мени танибди. Фақат шундагина у мени мақтай олади ва унинг мактови менга тегишли эканини биламан”, – дебди” деб ривоят келтиради [13:123] ва бундан ташқари шоир “Маснавий” да:

Пишгилу ўзгарма ҳеч, манзур бўл,

Сен чу Бурҳони Муҳаққиқ, нур бўл, – дея устози шарафига мисралар келтиради ва яна “Фихи мо фихи” да “Саййид Бурҳонуддуннинг – бир ишки, бир дарди, бир жаҳди, билим ва амали бор”, – дейди.

Султон Валад отаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг устози Саййид Бурҳонуддунга бўлган чексиз ихлоси ва ҳурмати шундай таърифлайди:

Унга кўнгилдан мурид бўлди-да, бош қўйиб ҳузурига ўлик каби тушди,

Унинг олдида ўлгунча, у ҳам уни тирик қилди, ёшларини артиб севинтирди.

Устози Баҳоуддин Валад сабабли, Саййид Бурҳонуддун Термизий Кубровия тариқатида фаолият юритади [8:140].

Саййид Бурҳонуддун Термизийнинг бир дона асари бор. У ҳам бўлса “Маъориф” [7:56] ёки “Мақолат” номи билан танилган. Асар форс тилида бўлиб, наср услубида ёзилган. “Маъориф”нинг икки нусхаси бор. Бурҳонуддун яшаган даврда Салжукийлар давлатининг расмий тили ва ёзилган асарларнинг кўпи форс тилида ёзилганлиги сабабли, бу асар ҳам форс тилида бўлиб, наср услубида ёзилган. Бу асар 1920 йил Эронда босилган. “Маъориф”нинг икки қўлёзма нусхаси бор. Биринчиси Ускудор Салимоға кутубхонасида 567-рақам остида, иккинчиси эса Коня Мавлоно музейида 2118-рақами остида қайд этилган. Асарнинг энг қадимги нусхаси бўлган Мавлоно музейидаги 2188-рақамида сақланаётган асар 1288-йил Аргун ибн Айдемир ибн Абдуллоҳ томонидан кўчирилган. Фурузанфар “Маъориф” асарини бу икки нусха асосида 1960-йилда Техрон университети нашриётида нашр қилдирган. Асар 1973-йил Абдулбоқи Гулпинарли томонидан, 1995-йил эса Али Ризо Карабулут томонидан Анқарада форс тилидан турк тилига таржима қилинган.

Жалолиддин Румийнинг “Фийҳи мо фийҳи” (“Ичиндаги ичиндадир”) асари Улуғбек

Абдуваҳоб томонидан турк тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1997 йил “Ёзувчи” нашриёти томонидан нашр қилинган.

Шунингдек, бу асар 2003 йилда Улуғбек Ҳамдам томонидан ҳам таржима қилиниб, “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан нашр қилинган.

Бу маърифий китоб ҳикматлар қонидир. Асарда Саййид Бурҳонуддун Термизий билан боғлиқ айрим теран маъноли нақллар ва фалсафий-ҳикматли сўзлар ҳам мавжуд.

Асарда Бурҳонуддун Термизийнинг турли хил сабаблар билан айтган гаплари ва мавъизалари жамланган. Асарнинг асоси тасаввуф илмига оид бўлиб, унда исломий ҳикмат, фикҳ, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар билан боғлиқ мавъизалар, мазҳаблар ва турли фирқаларнинг ақидалари, Саййид Бурҳонуддун Термизийнинг сўзлари, суҳбатлари ва шогирдлари билан бўлган гаплари, Қуръони Каримдаги “Муҳаммад” ва “Фатҳ” сураларининг баъзи оятларининг шарҳи келтирилган. Тасаввуфга оид баъзи тушунчаларга шарҳ, маънавий тарбия, муҳаббатulloҳ (Аллоҳни яхши кўриш), фақр, зухд, фано, нафс, тавҳид, шариатга тобелик, суннатга эргашиш, шайх, мурид, сайру сулук ва бошқа шу каби масалалар “Маъориф” асарининг асосий мазмунини белгилайди. Муаллиф бу фикрларни қувватлаш ва изоҳлаш учун тез-тез Султонул уламо, Аттот, Робия, Жунайд, Ҳаким Термизий, Ҳорис Муҳосибий, Мансур Халлож, Ибн Ато, Саҳл Тустарий, Ҳасан Басрий, Жаъфар Хулдий ва Усмон Мағрибийларга мурожаат қилади ҳамда уларнинг сўз ва шеърларидан фойдаланади ва уларнинг сўзларини шарҳлайди.

Муҳаққиқ Термизийнинг асарида ўрин олган маънавий-ахлоқий тарбия, устоз ва шогирд муомалалари, дўстлик алоқалари, фикр юритиш, ҳақиқатни излаш, нафсни енгиш ва илм ўрганиш каби масалалар баркамол авлодни тарбиялашда янада ўз хиссасини қўшади ва ота-боболаримизга бўлган ҳурмат хиссини оширади.

Аллома вафот этган вақти 639/1241-йили деб тахмин этилади [17]. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг қабри Туркиянинг Қайсар вилоятида [3:359;7:56].

Ҳозирда Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг қабри Туркиянинг Қайсари

шаҳрида жойлашган. Баъзи маълумотларга кўра, Салжукийлар давлатининг вазири Соҳиб Шамсуддин, Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг қабри устида бир макбара қурган. Лекин бир неча кундан кейин макбаранинг қулаганини кўради. Уни қайтадан қурдиргач, яна қулайди. Ниҳоят, бир кеча тушида Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийни кўради. У зот: “Менинг қабрим устига макбара қурманглар!” – дейди.

Лекин кейинчалик бу иш Анқара шаҳрининг волийси Обидин Пошога насиб этади. Қайсари шаҳрида ҳозирги шаклдаги Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий макбараси 1892 йилда Обидин Пошо ҳомийлигида бунёд этилган.

Саййид Бурҳонуддун бугунги макбараси Усманий султон Абдулҳамид II (1876-1909) даврида барпо қилинган.

ХУЛОСА

Бурҳонуддун Термизий синовли ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ушбу йўлни эса аллома иймон-этиқоди ва виждон амрига кўра танлаган ва ундан ҳеч бир вақт чекинмаган. Бу зот нафақат ўз илмий-ирфоний мероси, балки ҳаёти давомида шарқу ғарб олим ва устоз сифатида тан олган шахс – Жалолиддин Румийдек зотни узоқ йиллар тарбиялаб, жаҳон афкор оммасига тақдим этишда сабабчи бўлганлиги билан ҳам улкан эътирофга лойиқдир. Таъбир жоиз бўлса, шогирд ҳам устознинг катта илмий мероси ва асаридир.

Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг асаридан ўрин олган маънавий-ахлоқий тарбия, устоз ва шогирд муомалалари, дўстлик алоқалари, фикр юритиш, ҳақиқатни излаш, нафсни енгиш ва илм ўрганиш каби масалалар баркамол авлодни тарбиялашда янада ўз хиссасини қўшади ва ота-боболаримизга бўлган ҳурмат хиссини оширади.

Бугунги кунда Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизийнинг ҳаёти ва унинг бой илмий-маънавий меросини кенг ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир инсон бундан ўзининг илмий-маърифий ва тарбиявий камолоти йўлида муҳим маълумот ва тавсияларни олиши мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулбоқи Гулпинорли. Мавлона Жалолиддин. Истанбул, 1985. – Ж. 1.
2. Абдурахмон ибн Аҳмад. Жомӣ. Нафахуту-л-унс мин Хадарати-л-Қудс. Тарж.: К. Жандўғон, С. Малак. Истанбул, 1971. – Ж. 1.
3. Алишер Навоӣ. Насойим ул-муҳаббат. – Ж. 17. – Т.: Фан, 2001.
4. Аҳмад Афлакий. Манокибу-л-орифин. – Ж. 1. – Истанбул, 1989.
5. Бадиуззаман Фурузанфар, Мавлона Жалолиддин. Тарж.: Фаридун Нафиз Узлук. – Истанбул, 1990.
6. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаърои Давлатшоҳ Самарқандий. Чоп Муҳаммад Аббосий. – Техрон, 1337 (ш);
7. Ислом энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.
8. Йилмаз, Ҳасан Комил. Тасаввуф ва тариқатлар. – Истанбул, 1994.
9. Меҳмед Фуад Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввуфлар. – Анқара, 1976.
10. Муҳаммад ибн Муҳаммад Султон Валад. Валаднома. Чоп Жалол Ҳамойӣ. – Техрон. 1316 (ш). – Ж. 1.
11. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Москва: Малодая гвардия, 1972.
12. Саййид Бурҳонуддун Муҳаққиқ Термизий. Маъориф. Тарж.: Абдулбоқи Гулпинорли. – Анқара, 1972.
13. Саҳиҳ Аҳмад Дада. Мавлавийларнинг тарихи. – Ж. 37. Жем Зорлу. – Истанбул, 2003.
14. Самих Жайҳан. Саййид Бурҳониддин. Туркия дин ишлари вақфи ислом энциклопедияси. – Ж. 37. – Истанбул, 2009.
15. Султон Валад. Ибтиданом. Тарж.: Абдулбоқи Гулпинорли. Анқара, 1976.
16. Фаруддин ибн Аҳмад Сипаҳсалар. Рисала-и-Сипаҳсалар. Тарж.: Таҳсин Язижи. – Истанбул. 1977.
17. Фурузанфар. Саййид Бурҳонуддун. Маъориф. Муқаддима. Фалсафа. Осор ва гузайди ой аз онҳо. Таржимаи ва тавзийхот тавфиқ сабҳони. Техрон. 1380 (ш).